ПАҲЛАВОН МАҲМУД

# ИШҚ ЁҒДУСИ

*РУБОИЙЛАР*

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2009

Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари сизга илгаридан яхши таниш. Бироқ ҳар бир таржимон таржимага ўзига хос ёндашади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, эътиборингизга шоир ва таржимон Матназар Абдулҳакимнинг таржималарини ҳавола қилаяпмиз. Улар сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Форсийдан
Матназар АБДУЛҲАКИМ
таржималари

ISBN 978-9943-08-231-1
© Паҳлавон Маҳмуд. “Ишқ ёғдуси”. “Янги аср авлоди” нашриёти, 2009 йил.

Kitobxon.Com

* * *

Келгил, сени, бандам, не учун рад қилғум,
Давлат берибон, уммати Аҳмад қилғум.
Рост йўлға равон бўл, сени раҳмат қилғум,
Пок ниятинг айт, қабул албат қилғум.

* * *

Ўз мулкида пойидор нур сочғучи сен,
Ғофил дилидан айни саҳар қочғучи сен.
Қилғил бари мушкулим кушод, ҳолим танг,
Қайдаки берк эшик, барин очғучи сен.

* * *

Ўт, сув, ҳаво, тупроқ ила имдод этдинг,
Ғам қаърига ташладинг, ишим дод этдинг.
Зор айламасин мени ўзингдан ўзга,
Қудрат бер ўзинг, ўзингки бунёд этдинг.

* * *

Эй, эшигинг тупроғи бир олтин тож,
Тожингга бўлиб сенинг бари шаҳ муҳтож.
Тулпоринг узра хабарчи бир Жабройил,
Бундан яна юксалиб муборак меърож.

Kitobxon.Com

* * *

Келди хатинг учиб, юрак пок бўлди,
Қон йиғлади кўзлар бари, ғамнок бўлди.
Бўлмаса гар шафеъ Муҳаммад дасти,
Бил, барча ниқоблар бари чок-чок бўлди.

* * *

Ўргимчак инин фалак либос этмоқчи,
Бир-бир бари дўст ер тубига кетмоқчи.
Чарх қоидаси шу бўлса, эрта-индин
Бир-бир келибон, бизга-да гал етмоқчи.

* * *

Сен феъли бадимни халқдин пинҳон қил,
Мушкул барини қошимда сен осон қил.
Шодманки бугун, эрта не қилсанг ёзғут,
Ундан-да тағин улуш бериб, шодмон қил.

* * *

Ҳукминг ила бад ҳамон менинг аҳволим,
Бермайди менга омон менинг аҳволим,
Эй хожа, хабар олмасанг аҳволимдан,
Тобора ёмон-ёмон менинг аҳволим.

Kitobxon.Com

* * *

Минг дард чекибон, қадди камонинг менман,
Парвона сифат фидойи жонинг менман,
Гар бўлмаса васлинг, оҳ, муяссар, жоним,
Пойингда қолиб, ранги сомонинг менман.

* * *

Чун ойни хира қилгучи тобонинг бор,
Гулзор ила баҳс этар гулистонинг бор,
Бир лаҳза ҳаялламай совут тешгувчи,
Ҳар биттаси бир найзаки, мужгонинг бор.

* * *

Каъба қора тоши дардларим дармони,
Йўқ Каъбага борган кишининг армони,
Гар қора тошингдан ўпич олсам, ёр,
Айб этма, шудир, ахир, Худо фармони.

* * *

Холларки, кўрар ани юзингда банда,
Гуллардаги доғларни қилур шарманда,
Йўқ - йўқ бу гапим ғалат, у хол гул терган
Занжи боласи Хўтандаги гулшанда.

* * *

Зулму итобларингдан кеч кўнглим учун,
Кўнглим бу — тугун, сен ани еч кўнглим учун.
Мен кўнглинг учун ўзгага бермам кўнглим,
Сен ўзгага берма кўнгил ҳеч кўнглим учун.

* * *

Бердингки, қаноат, мис эдим, зар бўлдим,
Сўнг нури яқийнинг-ла мунаввар бўлдим.
Хўб куйди ёниб барча ғараз бир бошдан,
Холис яралишга мен муяссар бўлдим.

* * *

Ёраб. Карам эт, фаромушу хор бўлмай,
То ёру биродарга сира зор бўлмай.
Жой бердинг, ахир, беш-ўн кун остонангдан,
Мен бошқа эшикка ҳеч талабгор бўлмай.

* * *

Қилмишларим, оҳ заҳри гуноҳ тоттирди,
Ҳам феъли бадим хижолат, оҳ, торттирди.
Файз бермакчи эди юракка қутлуғ олам,
Лекин бу юрак ўзи фасод орттирди.

* * *

Сидқимни умид этди Мустафо арабий,
Ҳам дилда муқим, Худоё, чорёри набий.
Оҳ, қилмаки шарманда қиёматда мени,
Берганда ҳисоб сенга, шу — кўнглим талаби.

* * *

Ёраб, ки, разолатни Расулингга тайин,
Қилдингу, ой тўлишди ҳар лаҳза сайин.
Исёними охиратда қил икки бўлак,
Бирни Ҳасан айласин авф, бирни - Ҳусайн.

* * *

Йўқликка вужуд амринг ила қўйди қадам,
Сирри ниҳонларни, эй, қилғучи рақам.
Қилганда жазо куни қора номамни,
Айлама навмийд... раҳмдил-ку қалам.

* * *

Кўнглингга маним кўнглими мос айла, кўзим,
Бегонадан ўзни сен халос айла, кўзим.
Ихлос ила остонама кел бир тонгда,
Бахт топмас эсанг, сўнг эътироз айла, кўзим.

* * *

Мулзамман, ахир, неъмати бисёр сендан,
Навмид эмасман ҳечки, кирдор сендан.
Хоҳла оловда ёқ мени, хоҳ лутф эт,
Мен сендану жаннат сендан, нор сендан.

* * *

Ўлтирди кўзинг ҳам омий, ҳам золимни,
Боғлайди сочинг ҳам одил, ҳам золимни.
Бир кулганда лабинг, Каъба ила маъбаддан
Айлайди халос ҳам солик, ҳам солимни.

* * *

Ўлтирди кўзинг ҳам олим, ҳам омийни,
Йўқ қилди сочинг не яхшилар номини.
Бир кулдию лаъл лабинг чиқарди ҳайдаб
Узлатидан Боязид Бистомийни.

* * *

Оқшом чоғи ёр ётган эди уйқуда,
Ҳусн боғида гул тердим ажиб туйғуда.
Тонг қушларини уйқусидан уйғотдим,
Қилдим кераг-ов шу ишни, оҳ, беҳуда.

* * *

Дил ойна бўлиб етди юзи ойингга,
Етди тароқ зулфи сумансойингга.
Оҳ, сурма бўлиб кўзингга етган хокман,
Ундан тўкилиб тушсам эди пойингга.

* * *

Дунёни ҳамиша бевафо кўрмишман,
Ҳам ўзни ғарибликда адо кўрмишман.
Ҳар кимки жамъ этган эрса Қорун молин,
Маҳшар кунида ани гадо кўрмишман.

* * *

Шамшод қадинг заминга аро бўлғай,
Тим қора сочинг жаҳонда ғавғо бўлғай.
Маҳшар куни боқмаса қиё фаттонинг,
Бир-бир бари эл залил, расво бўлғай.

* * *

Олам бари ҳуснинг била, ёр, жонондир,
Ҳажрингда жаҳон завол топиб, гирёндир.
Қон тўкса, хунимни олмагум ҳеч кимдан,
Ошиқ бари қон тўкиб, санго қурбондир.

* * *

Сен каби йўқ бўлак бир одил, Оллоҳ,
Ҳеч бошқа азизни билмас, о дил, Оллоҳ.
Тушди бошимга ғам, қўлимни тутғил,
Додим шуки, додимни қабул қил, Оллоҳ.

* * *

Қошимдан ўшал сарви хиромон кетди,
Кўзлардан оёқ остима кўп қон кетди.
Қошимға, келиб раҳмики, қайтмас эрса,
Айлангки ҳисоб — танимдаги жон кетди.

* * *

Кўрсатди юзин бамисли бир моҳ ҳамага,
Кулгичлари бирла қазди у чоҳ ҳамага.
Маст келдию мажлисга, қиё боқди секин,
Чектирди қиё қарашлари оҳ ҳамага.

* * *

Бил, барча нифоқ, чарх, кийнангда сенинг,
Жанжал барига сабаб хазийнангда сенинг,
Юлдуз бари қалбаки, ёриб кўксинг оч,
Чин дурлар аён бўлғуси сийнангда сенинг.

KITOBXON
BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/1763 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/1763 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте https://kitobxon.com/ru/asar/1763